

- **Сув ҳарорат режими.** Сув омбори жойлашган ҳудудда куз-қишида ҳаво ҳарорати пасаяди ва баҳор-ёзда ҳарорат кўтарила бошлайди, шу сабабли сув омборида сув ҳароратининг минимал пасайиши декабр-январ ойларида  $+2^{\circ}\text{C}$  дан  $+5^{\circ}\text{C}$  даражагача бўлса, сувнинг ҳарорати баҳорнинг апрел ойида  $+10^{\circ}\text{C} - +17^{\circ}\text{C}$  даражагача кўтарилади.  
Сув ҳароратининг максимал кўтарилиши ёз фаслида  $+22^{\circ}\text{C}$  даражагача илиқликини ташкил этади. Куз фаслида асосан ноябр ойида сув ҳарорати  $+7^{\circ}\text{C}$  дан  $+12^{\circ}\text{C}$  гача ўзгаради.
- **Музланиш режими.** Андижон сув омбори эксплуатация қилиниб келаётган даврдан буён ҳозирги кунгача сув омбори ҳавзасида қаттиқ музлашлар кузатилмаган. Баъзан эса декабрь - январь ойларида дарёнинг қўйи қисмида музлаш ва муз парчаларининг оқими кузатилиб турган бўлса, фақат сув омборини ишлатиш даврида яъни, 2007 ва 2014 йилларда сув омбори ҳавзасида музлаш кузатилган. Сув омбори ҳавзасида музлаш кузатилган 2007 ва 2014 йилларда муз қалинлиги 20-25 см ни ташкил этган.
- **Шамол тўлқинлари.** Андижон сув омборининг максимал ҳисобий тўлқин баландлиги лойиҳа бўйича 2,3 м га тенг деб қабул қилинган. Сув омбори эксплуатацияси давридаги кузатувларга асосан шамол ғарбий ва жанубий-ғарбий йўналишда бўлиб, бу ҳолат қиши даврларида кўпроқ кузатилади. Шамолнинг ўртача тезлиги 3,4 м/с га, ҳисобий катталиклари эса  $V_{1\%}=32,0$  м/с,  $V_{2\%}=28,0$  м/с,  $V_{10\%}=22,0$  м/с тенг.